

КУЮК-ТЕПА – ҚАДИМГИ ФАРҒОНА ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШДАГИ МУҲИМ ЁДГОРЛИК

Қудратов Солижон Сулаймонович

Тарих фанлари номзоди, доцент Гулистон давлат университети

Аннотация: Қадимги Фарғона тарихини даврлаштириш масаласи Фарғона тарихини ўрганишдаги муаммоли масалалардан бири. Муаммо ечимининг мураккаблиги шундаки, энг кўп учрайдиган археологик материал - сопол идишларнинг Фарғонадан бошқа ерда ўхшаши учрамайди, бу эса уларни нисбатан яхши ўрганилган ва бир мунча аниқ даврлаштириладиган Марказий Осиёнинг жанубий-ғарбий ҳудудлари сопол идишлари асосида даврлаштиришга тўсқинлик қилади. Бунга маълум маънода ушбу даврга оид кўп маданий қатламли ёдгорликлар кам ўрганилганлиги ҳам сабаб бўлган. Маскур мақола Фарғона тарихига оид энг сўнги археологик малумотлар таҳлили асосида янгича даврлаштириш масалалари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Куюк-тепа, Латынин, “Катта Андижон канали”, тагкурси, клеткалар, миноралар, сопол идишлар, хурмачалар, бўёқли нақш, сўғд материаллари.

Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қўғай темир йўл бекати яқинидаги Куюк-тепа кўп маданий қатламли ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаси ушбу масалада маълум бир аниқликлар киритиш имконини беради. Ушбу ёдгорлик илк бор 1933 йили Б. А. Латынин томонидан ўрганилган[Латынин, 1934. С. 120]. Ёдгорлик тўғрибурчакли, майдони 200x150 метр, сақланиб қолинган баландлиги 13 метр. 1967-1971 йилларда “Катта Андижон канали” қурилиши жараёнида олиб борилган археологик кузатув жараёнида Санкт-Петербург(собик Ленинград) Давлат Эрмитажининг Фарғона экспедицияси[Горбунова, 1979. С. 114-146] ва 1987 йили илмий раҳбарим Н. Г. Горбунова таклифи ва А. Анорбоевнинг рухсати билан мен ҳам ўрганганман [Қудратов, 1987. С. 120].

Ёдгорликнинг асосий қисми қабристон бўлганлиги сабабли, қазишма ишлари ёдгорликнинг арк қисмида олиб борилган. Ўрганишим натижасида олинган материалларни ва Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитаж музейи фондида сақланаётган Куюк-тепа ёдгорлигига тегишли материаллар билан таҳлили асосида ёдгорликда уч қурилиш даврига оид (Куюк I; Куюк II; Куюк III) ўн босқичдан (босқичлар поллар сонидан келиб чиқилган) иборат маданий қатламлар ажратилди. Таҳлил натижалари ёдгорликнинг турли босқичларидан олинган сопол идишлар таркиби сезиларли равишда фарқ қилишини кўрсатади.

Куюк I даври 3 та босқичга (ажратилган. Куюк I даври маданий қатламларининг умумий қалинлиги 1-1,5 м.ни ташкил этади.

Куюк I/1 - қаср фаолият юритган босқич. Қаср 10 минорага эга бўлган. Минораларнинг ҳаммаси квадрат кўринишда размерлари 5х5 м., деворларининг қалинлиги 1,3-1,5 м. бўлган. Миноралар узунлиги 45-50 см., эни 30-35см. ва қалинлиги 10 см. бўлган хом ғиштдан қурилган. Минораларда ва улар оралиғидаги деворларда иккитадан шинак жойлашган бўлган.

Қасрнинг шимолий, ғарбий ва қисман шарқий девори бўйлаб, ички томонда 2 м. масофада қаср деворига паралел девор барпо этилган ва ўзига хос ўқ отиш галереясини ташкил этилган. Қасрнинг марказий қисмида 15х7 м. размердаги ҳовли бўлган

Қаср 10 метр баландликдаги тагкурси устида қурилган бўлган. Тагкурси қалинлиги 50 см. бўлган деворлардан ташкил топган йирик клеткалардан иборат. Клеткалар гувала ва ғишт синиқлари билан тўлдирилган. Қасрга кириш қасрнинг жанубий-ғарбий бурчагида, №6^A ва №6 миноралар оралиғида бўлган. Қаср нима сабабли аҳоли томонидан ташлаб кетилганлиги номаълум. Нима бўлганда ҳам қаср маълум бир муддат ташландиқ ҳолда бўлган, бунга деворларнинг ағнаганлиги ва деворлардаги ёмғир ва қор натижасида сувалиб кетган излар шундан далолат беради.

Куюк I/2 ушбу босқичда қаср ўз функциясини йўқотади. Бундай хулосага келишимизга шинакларнинг ёпиб ташланганлиги асос бўлади. Миноралар ва ички деворлар турар-жой хоналарига айланади. Бу ерларда юзага келган 60 см. қалинликдаги кул қатламлар уларнинг айнан турар-жой хоналарига айланганлигининг далили хисобланади. Қасрнинг марказий қисмидаги таркибида сопол идиш, ҳайвон суяклари, кул қатламлари мавжуд бўлган маданий қатламнинг аниқланганлиги марказий қисмдаги ҳовлида ҳам яшаш учун уйлар барпо этилганлиги борасида гувоҳлик беради.

Куюк I/3 босқичида собиқ қасрнинг жанубий-шарқий қисмидагина ҳаёт давом этади. Ушбу қисмда ушбу босқичга тегишли пахса девор аниқланган.. Археологик материаллар ҳам нисбатан кам сонли. Ушбу босқич якунида ёдгорликнинг бутун ҳудуди ташландиқ ҳолатга келади.

Кейинчалик бутун ҳудуд текисланиб, қотирилган жойда Куюк II даврига оид деворлар қад кўтаради. Куюк II даври маданий қатламларининг умумий қалинлиги 80 см.ни ташкил этади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз, агар Куюк I даврида ёдгорлик яхлит бир аниқ режага эга меморий мажмуа бўлган бўлса, Куюк II даврида меъморий яхлитлик сақланмаган ва ҳаёт собиқ қасрнинг турли ҳудудларида турли даврларда кечган. Куюк II босқичи ҳам чамаси ташқи ҳужумлар таъсирида якунига етган. Бундай тахминга келишга

ушбу босқичга оид аниқланган ёнғин излари ва деворларнинг ағнаганлиги асос бўлади.

Куюк III даври ҳам уч босқичдан иборат бўлиб, ушбу даврга оид размери 5.20x3,75 м. бўлган турар-жой хонаси очиб ўрганилган. Ушбу турар-жой хонанинг деворлари 48-46x24x9-10 см. бўлган хом ғиштдан кўтарилган. Шунингдек, ушбу даврда кичик қурилишлар(хўжалик ўралари, ўчоқлар, озиқ-овқат омборлари) қилинган бўлса-да, ҳашаматли қурилишлар амалга оширилмаган. Куюк III даври маданий қатламларининг умумий қалинлиги 2 м.ни ташкил этади.

Таҳлил натижалари ёдгорликнинг турли босқичларидан олинган сопол идишлар таркиби сезиларли равишда фарқ қилишини кўрсатади. Куюк-тепа ёдгорлигидан олинган сопол идишларни ўн босқичга ажратиш имконини беради.

Куюк I даври стратиграфияси ва ушбу даврга оид сопол идишларнинг типологияси таҳлили асосида бу даврга оид учта босқич ажратилади. Даврга оид 929 дона сопол идишларнинг 81 фоизи чархда ясалган.

Куюк тепа I/1 босқичи учун тўғри ва бир оз ичга қайрилган гардишли конуссимон косалар хос. Ушбу косаларнинг яна бир муҳим белгиси конуссимон қорин қисмидан идишнинг таг қисмига чуқур бурилиш билан ўтилади. Ушбу типдаги косалар иккала томонидан ялтироқ қизил ангоб билан ишлов берилган(8,4). Бу босқич учун цилиндр шаклдаги хурмачалар хос. Ушбу хурмачаларга зигзаг кўринишдаги чизиқли нақшлар берилган(8,11,12). Шунингдек, ушбу босқич сополчилиги учун қўлда ясалган ва бўёқли нақш берилган хурмачалар ҳам хос(8,21).

Куюк I даври сополчилигининг чўққиси Куюк I/2 босқичига тўғри келади. Қорин қисмининг юқорисида бурилиши бўлган косалар ушбу босқичга хос(11,5). Шунингдек гардиши “Г” симон, тик ва икки валик шаклли конуссимон косалар айнан шу босқичда пайдо бўлади(11,18,19). Шунингдек, ушбу босқичда валиклар билан уч та зонага ажратилган банка шаклидаги хурмачалар пайдо бўлади(12,9). Фақат шу босқичда “нок”симон шаклдаги хурмачалар учрайди. Ушбу хурмачаларнинг гардишида илиш учун тешик ва қопқоқ учун махсус жой мавжуд. Уларга ташқи томондан қизил ангоб билан ишлов берилган ва унга икки қатор учбурчак кўринишдаги чизиқли нақш берилган. Шунингдек, “тухум”симон хурмачалар ҳам пайдо бўлади. Баъзан бу хурмачаларга ҳам зигзаг кўринишдаги чизиқли нақш берилган(12,11,12). Бу босқичда аниқ ажратилган профилли тик бўйин қисмига эга шарсимон шаклдаги кўзалар пайдо бўлади.

Куюк I/3 босқичи сополчилиги Куюк I даврининг бошқа босқичларига нисбатан кам сонлилиги билан ажралиб туради. Ушбу босқичда қўлда ясалган сопол идишларнинг улуши ошади. Бу босқичда 35 фоиз идишлар қўлда

ясалган, муҳими ушбу босқичда пайдо бўлган янги типлар ҳам айнан кўлда ясалган сопол идишлар ҳисобланади. Масалан, кенг таг қисмига эга шарсимон кўзалар пайдо бўлади(15,19). Гардиши ичкарига эгилган ярим шарсимон, гардиши қармоқсимон шаклдаги қозонлар ҳам айнан шу дарда пайдо бўлади.

Куюк II сополчилигида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлади. Масалан, Куюк II/1 босқичида ярим шарсимон шаклдаги косачалар пайдо бўлади(17,6). Куюк I даврига хос қорин қисмида бурилиш бўлган косалар аста-секин йўқолади. Шарсимон шаклдаги кўзалар пайдо бўлади. Ушбу кўзаларнинг гардишлари калта, ташқарига қайрилган шаклда бўлган(17,12,13). Шунингдек, ушбу даврда гардиши ичкарига эгилган ва қопқоқ учун қилинган жойи бўлган хумчалар(17,11) ва гардиши ичкарига эгилган думалоқ хумчалар(17,9,10) пайдо бўлади. Куюк II/1 босқичида Куюк I даврига хос сопол идишлар 60 фоиздан ошиқни ташкил этади. Бу улар ўртасидаги ворисийликдан гувоҳлик беради.

Куюк II/2 босқичида гардиши ичкарига эгилган ва юқори қисмида бурилиш бўлган “кадахсимон” косалар, гардиши ичкарига эгилган конуссимон косалар(18,6) пайдо бўлади. Думалоқ калта қорин қисми хурмачалар (18,8,9) пайдо бўлади. Шунингдек, гардишлари узунчоқ-тўғрибурчак шаклдаги шарсимон кўзалар(18,12), баланд тик бўйин қисмига ва гардишлари “муфта”симон валикли кўзалар(18,14) ва цилиндр шаклдаги жўмракли кўзалар(18,18) пайдо бўлади. Ушбу босқичда жетиасар-қовунчи маданияти таъсири кузатилади.

Куюк II/3 босқичида гардиши ичкарига эгилган конуссимон косалар пайдо бўлади(19,2). Шунингдек, гардиши ичкарига эгилган ва қопқоқ учун махсус жойга эга бўлган думалоқ хумчалар (19,6) пайдо бўлади. Ушбу босқичда илк бор сувдон (фляга) (19,12) пайдо бўлади

Куюк II/4 босқичида ярим шарсимон, енгил ташқарига қайрилган гардишли коса пайдо бўлади. Косанинг аҳамиятли томони ушбу косага “хоч” кўринишида бўёқли нақш берилган(20,3). Шунингдек ушбу даврда гардишининг тагида жўмрак бўлган қопқоқлар (20,6), чилимларнинг оёқ қисмлари пайдо бўлади(20,4). Илк бор товалар (20,27) пайдо бўлади. Ушбу босқич сополчилигида сўғднинг таъсири кузатилади. Ангоб сифати ёмонлашади.

Куюк III даврида ярим шарсимон косалар(21,1), енгил ташқарига қайрилган гардишли кўзалар пайдо бўлади. Қия елкали кўзаларнинг характерли жиҳати –гардишининг ички томонида қопқоқ учун саёз “желобок” мавжуд (21,13). Бу даврда тик, қалин гардишли кўзалар пайдо бўлади (21,14). Бўғзи бир нечта қатор валикларга эга кўзалар (21,24) ҳам шу даврда пайдо бўлади. Ушлоғичли кўзалар пайдо бўлади (22,20). Бу даврда илк бор

“кружка”лар пайдо бўлади (22,1,2,3). Сегмент кўринишидаги қопқоқлар(22,13), валиксимон гардишли хумчалар пайдо бўлади (22,10).

Илк бор янги типдаги идиш- ёғ идиш(маслобойка) лар пайдо бўлади.

Шунингдек, бу даврда қўлда ясалган сопол идишларнинг улуши ошади ва улар сопол идишларнинг 65 фоизини ташкил этади.

Ихтиёримизда бундай кўп маданий қатламли ёдгорликнинг мавжудлиги қадимги Фарғона тарихини даврлаштириш борасида маълум бир аниқликлар киритиш имконини беради.

Энг юқори маданий қатламдан олинган сопол идишлар комплекси Куюк III Сўғд материаллари билан ўхшашлиги асосида милодий VII - VIII асрлар билан даврлаштирилади. Жумладан Панжикентнинг юқори маданий қатламларидан топилган “кружка”ларнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси Б.И. Маршак томонидан ўрганилган. Бизникига ўхшаш “кружка”лар милодий VII – асрнинг 2-ярми – VIII аср билан даврлаштирилади[Бентович И.Б. Керамика верхнего Пенжикента.МИА,№124. М., 1964] Шунга ўхшаш кружалар Еттисув(Распопова), Тали-БарзуV (Григорьев), Кофир-қалъа(Распопова) ва Афросиёб(Кабанов) ларда ҳам топилган ва улар ҳам VII - VIII асрлар билан даврлаштирилади

Куюк II/4 сопол идишлар комплексини Сўғд материалларига ўхшашлиги асосида милодий VI асрнинг 2 –ярми - VII асрнинг бошлари билан даврлаштириш мумкин. Зеро, ушбу босқичга оид маданий қатламдан топилган “хоч” кўринишидаги ангоб берилган косаларга ўхшаш косалар Панжикентнинг қуйи қатламларидан топилган ва уларни Б.И. Маршак милодий V-VI асрлар билан даврлаштирган (Маршак Б.И. Керамика Согда V-VII вв.как историко-культурный памятник (К методике изучения керамических комплексов).Дис...канд.ист.наук.Л., 1965,с.13). Гардишининг тагида жўмрак бўлган қопқоқлар Тали-Барзу IV, Панжикентнинг қуйи маданий қатламларидан (Маршак Б.И. Керамика нижнего слоя Пенжикента. Изв.отд.нук. АН ТаджССР, вып.14. Душанбе,1957, с.91-99). Кофир-қалъадан(Шишкина Г.В. Раннесредневековая сельская усадьба под Самаркандом. ИМКУ,вып.12.Ташкент, 1961. с.192-222).топилган. Улар ҳам мутахассислар томонидан VI - VII асрлар билан даврлаштирилган.

Ушбу босқичдан топилган Чилимларга ўхшашлари Кеш ва Нахшебда топилган ва милодий III-VI асрлар билан даврлаштирилган(Кабанов С.К. Культура сельских поселений Южного Согда III-IV вв. Ташкент,1981)

Куюк тепа II/4 га тегишли маданий қатлам милодий VII-VIII асрларга оид маданий қатлам билан қопланганлигидан келиб чиқиб, уни милодий VI асрнинг 2-ярми – VII асрнинг бошлари билан даврлаштириш тўғри бўлади.

Куюк II/2 Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқими ёдгорликларидан топилган археологик материалларнинг ўхшашлиги асосида IV асрнинг 2- ярми ва V

асрнинг I-ярми билан даврлаштирилади. Зеро, ушбу маданий қатламдан топилган цилиндр шаклдаги жўмакли кўзалар(18,18) Сирдарёнинг қўйи оқимида жойлашади Оқ-тепа II комплексига ўхшаш. Вайнберг ва Левина уларни милодий I-IV асрлар билан даврлаштирган. Шунингдек, баланд тик бўйин қисмига ва гардишлари “муфта”симон валикли кўзалар(18,14) ва гардишлари узунчоқ-тўғрибурчак шаклдаги шарсимон кўзалар(18,12), Левина фикрича, жетиасар маданиятига хос бўлиб, Сирдарёнинг ўрта оқими ёдгорликларида Қовунчи маданиятининг 2-босқичида пайдо бўлади (Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс.до н.э. М., 1971). Ю.Ф. Буряков ушбу босқични милодий III-IV асрлар билан даврлаштиради (Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент,1982,с.79)

Куюк II/1 эса IV-V асрлар билан даврлаштирилади. Куюк тепа ёдгорлигининг I - қурилиш босқичини ёдгорликнинг маданий қатламлари ва улардан топилган сопол идишлар таҳлили асосида қўйидагича даврлаштириш мумкин:

Куюк I/1 I асрнинг 2 –ярми - II асрнинг бошлари;

Куюк I/2 II асрнинг 2-ярми - III асрнинг бошлари;

Куюк I/3 III асрнинг 2- ярми.

Маданий қатламлар, сопол идишлар формаларидаги ўзгаришлар таҳлили ушбу ёдгорликда ҳаёт милодий I асрдан то VIII асргача бўлган даврда давом этганлиги борасида фикр билдириш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Anorboev A. Farg'onaning qadimgi shaharlari va ularning Markaziy Osiyo tarixida tutgan o'rnini. Toshkent.2022.12 b

2. Горбунова Н.Г. К истории Ферганы в эпоху раннего железа.-СА, 4, 1962.с.48

3. Горбунова Н.Г. Керамика поселений Ферганы первых веков нашей эры. – ТГЭ, ЧЧ, с.114-146

4. Заднепровский Ю.А. Фергана. В кн.: Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР.М., 1985.с.314

5. Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы.: дис. ... канд. ист. наук. – Самарканд, 1999. – стр. 5–12.

6. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). – Ташкент. Из-во народного наследия имени А.Кадыри, 2002. – С. 187. рис. 159.

7. Кудратов С.С. Орнаментированная керамика Куюк-тепе Ферганского поселения. - ОНУ, 12.Т., 1987
8. Латынин Б.А. Работы в районе проектируемой гидростанции на реке Нарын в Фергане. ИГАИМК, вып.10,120-157
9. Оболдуева Т.Г. Отчет о работе первого отряда археологической экспедиции БФКа.-ТИИА АН УзССР, IV, Т., 1951, табл.II, 1,4,5
10. RAXIMOVICH, N. O., MUTALLIB, I., & MA'RUF OV SHERZOD, K. O. G. (2022). HISTORICAL FACTORS THAT CONTRIBUTED TO THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND CULTURE IN CENTRAL ASIA. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 2(4), 160-165.
11. Кудратов, С., & Маъруфов, Ш. (2021). МИРЗАЧЎЛДАГИ ҚАДИМГИ СУВ ИНШОАТЛАРИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 4(11).
12. Ma'rufov, S., & Bekmurodov, S. (2024). XONLIKLAR DAVRIDA MUSIQA ILMIGA ILMIGA QARATILGAN E'TIBOR. Talqin va tadqiqotlar, 1(1).
13. Ma'rufov, S., & Abdullayev, A. (2024). O'RTA OSIYODA MUSIQA SAN'ATINING VUJUDGA KELISHI VA RIVOJLANISH TARIXI. Talqin va tadqiqotlar, 1(1).
14. Sherzod, M. R. (2024). NEW VIEWS ON ARCHAEOLOGICAL MONUMENTS LOCATED IN SIRDARYA REGION. International Journal of Intellectual Cultural Heritage, 4(2), 1-6.
15. Ma'rufov, S., & Tohirov, U. (2024). POLITICAL, SOCIO-ECONOMIC AND CULTURAL HISTORY OF KOKAN KHANTY. Interpretation and researches.
16. Кудратов, С. (2022). Археологик ёдгорликлар–ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг муҳим омили. Значение цифровых технологий в изучении истории Узбекистана, 1(01), 363-366.
17. Кудратов, С. С. (1992). Поселения левобережья р. Нарын в Фергане (III в. до н. э.–V в. н. э.): Дис.... канд. ист. наук. СПб.